

# ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚДА “ULTRA VIRES” ДОКТРИНАСИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**Рамзбек Маматкаримович ҚУРБОНОВ**

магистр

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби

Тошкент, Ўзбекистон

albatross.consulting.77@bk.ru

## Аннотация

Мақолада Австралия, Янги Зеландия, Канада, Бельгия, Франция, Италия, Голландия, Россия ва Ўзбекистонда “ultra vires” доктринаси доирасида компанияларнинг таъсис ҳужжатлари ва улар билан танишиш имкониятининг яратилганлиги, компанияларнинг вужудга келиши, ваколатлар доираси, битимдаги контрагентнинг ҳуқуқларига доир амалда бўлган ҳуқуқ нормалари ёритилиб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил амалга оширилган. Тадқиқот натижасида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилиниб, шу аснода тегишли назарий-ҳуқуқий таклифлар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** компанияларни рўйхатга олиш, таъсис ҳужжатлари, таъсис ҳужжатлари билан танишиш имкониятининг яратилганлиги, ваколатларни чеклаш, умумий ҳуқуқ лаёқати, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, яқка тартибдаги ижро органи, коллегиял ижро органи, ҳуқуқ, мажбурият, ҳуқуқий оқибат.

## ДОКТРИНА “ULTRA VIRES” В ЗАРУБЕЖНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

**Рамзбек Маматкаримович КУРБОНОВ**

магистр

Высшая школа судей

при Высшем судебном совете

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан,

albatross.consulting.77@bk.ru

## Аннотация

Статья посвящена правовым нормам действующим в Австралии, Новой Зеландии, Канаде, Бельгии, Франции, Италии, Нидерландах, России и Узбекистане в рамках доктрины «ultra vires», в том числе касательно учредительных документов и возможности ознакомления с этими документами, создания компаний, объема полномочий, вопросов защиты прав контрагента в сделках и проведен сравнительно-правовой анализ. В результате исследования были проанализированы перспективы совершенствования действующего законодательства, выдвинуты соответствующие теоретические и правовые предложения.

**Ключевые слова:** регистрация компаний, учредительные документы, доступ к учредительным документам, ограничение полномочий, общая правоспособность, сравнительно-правовой анализ, единоличный исполнительный орган, коллегиальный исполнительный орган, право, обязанность, правовые последствия.

“Ultra vires” атамаси лотин тилидан “ваколат доирасидан ташқарида” деб таржима қилинади. Англосаксон ҳуқуқ тизимида ушбу доктрина махсус ваколат (ҳуқуқ) талаб қиладиган, бироқ бундай ваколатлар (ҳуқуқлар)га эга бўлмаган ҳолда амалга оширилган ҳаракатлар ҳамда ушбу ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берувчи қоидалар йиғиндисидир [15].

Бунда нафақат жисмоний шахслар – компаниянинг якка тартибдаги ёки коллегиял ижро этувчи органи ваколатлари, балки юридик шахс бўлган компаниянинг, шунингдек давлат органларининг ваколатлари назарда тутилади.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида ваколатлар (ҳуқуқлар) доирасида амалга оширилган ҳаракатларга нисбатан “Intra vires” (ваколатлар доирасида) атамаси қўлланилиб, ушбу ҳаракатлар учинчи шахслар учун ҳақиқий ҳисобланади ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради.

Аксинча, ваколатлар (ҳуқуқлар) доирасидан ташқарига чиққан ҳолда содир этилган ҳаракатлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, яъни ҳуқуқий оқибатлар, шу жумладан учинчи шахслар учун ҳам келтириб чиқармайди.

Маълумки қиёсий-ҳуқуқий таҳлил кўп ўлчовли тадқиқотлар ўтказиш орқали ҳуқуқий институт ва ҳодисаларга энг тўлиқ тавсиф бериш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Ушбу таҳлил, шунингдек ҳуқуқий институт ва ҳодисалардаги ўзига хос, тадқиқот ўтказилгунга қадар намоён бўлмаган хусусиятларни аниқлашга хизмат қилади.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлилнинг минтақавий аспектидан фойдаланиш ҳуқуқий тизимларнинг хусусиятларини ва уларнинг элементларини аниқлашга, уларнинг ўзига хослигини баҳолашга, халқаро ҳамда хорижий

хуқуқ нормаларининг миллий хуқуққа имплементация қилинганлиги даражасини аниқлашга хизмат қилади [16].

Шунга кўра, иқтисодий ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётган ва Фуқаролик кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқиляётган [6] ҳозирги вақтда хуқуқий институтлар ва ходисаларнинг қиёсий-хуқуқий таҳлили миллий хуқуқ тизимини халқаро хуқуқ нормаларига уйғунлаштириш, бошқа мамлакатларда ишлаб чиқилган концепциялар, тузилмалар ва меъёрларни миллий хуқуқ тизимига имплементация қилиш имконини беради.

Баён қилинганларга кўра, қуйида бир қатор хорижий мамлакатлар хуқуқ тизимида “Ultra vires” доктринасининг тартибга солинганлигига доир маълумотлар келтирилиб, қиёсий-хуқуқий таҳлил амалга оширилади.

Австралиянинг 2001 йилда қабул қилинган “Корпорациялар тўғрисида”ги Қонуни [12] 124-моддасининг биринчи қисмида компаниянинг мазкур юрисдикция доирасида ҳамда ундан ташқарида ҳам жисмоний шахснинг хуқуқ лаёқати ва ваколатларига эга бўлиши назарда тутилган, яъни компания умумий – чекланмаган хуқуқ лаёқатига эга. Шунингдек, компания корпоратив бирлашманинг барча хуқуқ ва ваколатларига эга. Эътиборлиси, ушбу қонуннинг 124-моддаси иккинчи қисмига кўра компаниянинг хуқуқ лаёқати унинг мақсадлари доираси билан чегараланмаган, яъни компания ўз мақсадларига мувофиқ бўлмаган, ҳатто хорижий давлатлар қонунлари билан йўл қўйилган фаолият турлари билан ҳам шуғулланишга ҳақли.

Бундан ташқари, агар компания ўз уставига эга бўлса, унда компанияни таъсис этишдан кўзланган мақсадлар, унинг муомала лаёқати ҳамда Компания шуғулланиши тақиқланган фаолият турлари тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Бироқ, амалга оширилган фаолиятнинг компания мақсадларига мувофиқ эмаслиги ёхуд компания уставига тақиқланган фаолият турларига мансублиги ушбу ҳаракатнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Ушбу ўринда таъкидлаб ўтиш жойизки, бир қатор ривожланган давлатларда бўлгани каби Австралияда компаниялар учун уставга эга бўлиш

талаб этилмайди. Компаниялар Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестиция қўмитаси томонидан рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада компаниянинг хусусий ёки оммавий эканлиги ҳамда мажбуриятларининг чеклангани (чекланмагани)ни кўрсатиб ўтиш кифоя.

Қолаверса, Қонуннинг 128-129-моддаларида компания билан ёки унинг вакили билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унга кўра Компания билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган шахс:

(1) Компания ўз уставига (агар уставга эга бўлса) ёки фаолиятини тартибга солувчи қонунларга мувофиқ ҳаракатланмоқда;

(2) Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестиция қўмитасида Компанияга доир мавжуд бўлган маълумотларда кўрсатиб ўтилган ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришда компания номидан ҳаракатланган ҳар қандай шахсни компаниянинг директори ёки котиби:

(а) белгиланган тартибда тайинланган;

(б) ва шартномалар тузиш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишга доир тегишли ваколатларга эга, компанияда айнан шундай мажбуриятларни бажаради деб тахмин қилишга ҳақли.

Компания билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиш вақтида иккинчи тарафга мазкур тахминларнинг нотўғри эканлиги аён бўлгани ёхуд мазкур тахминларнинг тўғри эканини шубҳа остига қўйиш учун етарлича асосларнинг мавжуд бўлганлиги ҳолатлари бундан мустасно.

Албатта, “мазкур тахминларнинг нотўғри эканлиги аён бўлгани ёхуд иккинчи тарафда мазкур тахминларнинг тўғри эканини шубҳа остига қўйиш учун етарлича асосларнинг мавжуд бўлганлиги ҳолатлари”ни аниқлашда амалиётда муаммолар келиб чиқиши мумкин, бироқ мазкур норма иккинчи тарафни у муносабатларга киришишни истаган Компаниянинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиш мажбуриятидан озод қилади.

Компания устави (агар устав мавжуд бўлса) нухасининг Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестиция қўмитасида мавжудлиги ва ҳар қандай

шахсининг компания устави билан танишиш ҳуқуқи ва имкониятининг таъминланганлиги ўз-ўзидан Компания билан муносабатларга киришаётган шахсларнинг ушбу устав билан танишганини англамайди, бироқ компания фаолиятига доир қонун билан рўйхатга олинishi шарт қилиб белгиланган маълумотларга нисбатан манфаатдор шахсининг аввалдан танишганлиги тахмин қилинади.

Янги Зеландиянинг 1993 йилда қабул қилинган “Компаниялар тўғрисида”ги Қонуни [13] 16-моддасига кўра, ушбу Қонунга, бошқа ҳар қандай қарорга ва умумий қоидаларга мувофиқ Компания Янги Зеландия ичида ва ташқарисида ҳар қандай битим тузиш, ҳаракатни амалга ошириш, бизнесни ёки фаолиятни амалга ошириш учун тўлиқ имконият, ҳуқуқлар, ваколатлар ва имтиёзларга эга. Ҳар қандай битим тузиш, ҳаракатни, бизнесни ёки фаолиятни амалга ошириш учун имкониятлар, ҳуқуқлар, ваколатлар ва имтиёзларнинг чекланиши Компаниянинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилган бўлиши лозим. Қонуннинг 17-моддасига кўра, Компаниянинг бирон-бир ҳаракатининг ёки мулкни бошқа компанияга ўтказиб бериши ёхуд бошқа компаниядан қабул қилиб олишининг компаниянинг мақсадлари ва фаолият турларига мос эмаслиги ёки компаниянинг бундай ҳуқуқ ва ваколатга эга эмаслиги, худди Австралияда бўлгани каби ушбу ҳаракатларнинг “Ultra vires” яъни ваколатлар доирасидан ташқарида содир этилганини, қолаверса ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди. Бироқ бу норма компания таъсис ҳужжатларида амалга ошириш тўғридан-тўғри тақиқланган фаолият турларига доир дериватив (бир ёки бир қанча акциядорларнинг корпорация номидан учинчи шахсларга нисбатан даъвогар сифатида берган даъволари), ёки компания акциядорларининг директорларга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ушбу қоидалар, шунингдек кафиллик билан боғлиқ муносабатларга ҳам татбиқ этилади, яъни Компания ёки компания мажбуриятлари юзасидан кафиллик берган шахс шартномадаги иккинчи тарафга нисбатан амалга оширилган ҳаракатнинг, яъни кафиллик шартномаси тузилишининг қонунлар

хамда Компания таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари ва мақсадларига мос эмаслиги, қолаверса компания номидан ҳаракат қилган шахсларнинг тегишли ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлмаганлиги важи билан ушбу кафилликнинг ҳақиқий эмаслигини юзасидан даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас. Кафиллик шартномасини тузган шахснинг бундай фаолият тури ёки компания номидан муносабатларга киришган шахснинг бундай ваколатларга эга эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Компания таъсис ҳужжатларининг рўйхатга олинганлиги ва ваколатли органда барчага танишиш учун очиқ ҳолда жойлаштирилгани ёки компания томонидан ўзи билан алоқаларга кираётган барча шахсларга компания таъсис ҳужжатлари билан танишиш имконининг яратилганлиги компания билан муносабатга кирган шахслар ушбу нормалар билан танишган, деб таъкидлашга асос бўлмайди.

Канаданинг 1985 йилда қабул қилинган “Бизнес корпорациялари тўғрисида”ги [14] Қонунида Австралияда бўлгани каби компаниянинг умумий ҳуқуқ лаёқатига эга эканлиги, Корпорация ўзининг таъсис ҳужжатларида шуғулланиши тўғридан-тўғри тақиқланган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги эътироф этилган бўлсада, компания таъсис ҳужжатларининг барча танишиши мумкин бўлган очиқ манбаларда ҳозир эканлигига доир, қолаверса ушбу ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятининг таъминланганлиги учинчи шахсларнинг ушбу ҳужжатлар билан танишган ёки танишмаган, деб эътироф этишга асос бўлиши кўрсатиб ўтилмаган.

Белгияда ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамият бўлган компанияларнинг (“Sovieteanonyme” деб аталади) фаолияти “Тижорат компаниялари тўғрисида”ги кодекс [11] билан тартибга солинади.

Бельгия қонунчилигида “Ultra vires” доктринаси мавжуд эди. Даставвал компаниянинг ваколатли шахслари ва вакиллари томонидан компания таъсис ҳужжатларида акс эттирилган ваколат, мақсад ва фаолият турларидан ташқари амалга оширган ҳаракатлари “Ultra vires” – ваколатлар доирасидан ташқарида

ҳисобланиб, компания учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармаган. Бирок кейинчалик суд амалиётида мазкур қоидаларнинг қўлланилиши доираси сезиларли даражада қисқартирилган, сабаби судлар компания билан муносабатга киришаётган учинчи шахслар компания ушбу муносабатларга киришишдан аввал ўз ваколатлари ва ҳуқуқи мавжудлиги масаласига ойдинлик киритган деб ҳисоблашга ҳақли, деган хулосага келган.

Ҳозирда Бельгияда 1968 йил 9 мартдаги 68/151/ЭЕС-сон Европа иқтисодий ҳамжамиятининг биринчи Директиваси 9-моддаси нормалари амал қилади. Унга кўра:

а) инсофли контрагентга нисбатан, яқка тартибдаги ёки коллегиял ижро этувчи органнинг битимлар тузишга доир ваколатлари компания таъсис ҳужжатлари билан чекланмаган;

б) компания таъсис ҳужжатларига мувофиқ битимнинг директорлар ваколатларидан ташқарида тузилганини билган ҳолда битим тузган шахс, мазкур битимни тузишда ғаразли ният билан ҳаракат қилган деб ҳисобланмайди;

в) қонун контрагентнинг инсофлилиги презумпциясидан келиб чиқади.

Бошқача айтганда, қонун бўйича, инсофли контрагентга нисбатан, компания директорларининг қарори билан тузилган ҳар қандай битим компания учун мажбурий ва компания директорларининг ваколатлари ҳеч қандай таъсис ҳужжатлари ёки ички ҳужжатлари билан чекланмаган ҳисобланади.

Франция Тижорат кодексининг [8] 225-35 моддасига кўра коллегиял ижро этувчи орган компания фаолиятининг йўналишларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади. Коллегиял ижро этувчи орган акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тақдим қилинган ҳамда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар доирасида ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли. Кодекснинг 225-17 моддасига кўра, масъулияти чекланган жамиятларда директорлар сони 3тадан кам 18 тадан кўп

бўлишига йўл қўйилмайди ва улар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ўз лавозимларига тайинланади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда коллегиял ижро этувчи орган томонидан тузилган ҳар қандай шартномалар ва амалга оширилган ҳаракатлар ваколат доирасида амалга оширилган деб топилиб компания учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради, компания билан муносабатларга кирган учинчи шахсларнинг компания ёки унинг ваколатли шахслари ёки вакиллари бундай ваколатларга эга эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда компания таъсис ҳужжатлари билан эркин танишиб чиқиш имкониятининг таъминланганлиги учинчи шахсни компания ёки унинг ваколатли шахслари ёки вакиллари бундай ваколатларга эга эмаслигини билгани ёки билиши лозим бўлганини аниқлатмайди.

Кодекснинг 225-56 моддасига кўра, коллегиял ижро органининг раҳбарига ҳар қандай шароитларда ва ҳар қандай муносабатларга нисбатан компания номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқи берилади. Коллегиял орган раҳбари ўз фаолиятини компаниянинг таъсис ҳужжатлари, акциядорлар томонидан тақдим қилинган ваколатлар ҳамда қонунлар билан компания коллегиял ижро органига тақдим қилинган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Коллегиял орган раҳбари компаниянинг учинчи шахслар билан ҳар қандай муносабатларида компания номидан ҳаракат қилади ва коллегиял орган раҳбарининг компания мақсадларига зид ва (ёки) фаолияти доирасига кирмайдиган ҳаракатлари компания учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради, компания билан муносабатларга кирган учинчи шахсларнинг коллегиял ижро органи раҳбарининг бундай ваколатларга эга эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Бундан ташқари, компания таъсис ҳужжатларининг ёки коллегиял ижро органи томонидан қабул қилинган коллегиял ижро органи раҳбарининг ваколатларини чекловчи нормалар учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.



Италия Фуқаролик кодексида [9] “societa per azioni” деб аталадиган акциядорлик жамиятларига нисбатан компаниянинг ҳуқуқ лаёқати ёритилган. Жумладан, кодекснинг 2328-моддасида компания таъсис ҳужжатларида компания ваколатлари доираси ва кўлами кўрсатилиши лозимлиги белгиланган. Ҳуқуқ лаёқатини белгилашдан мақсад кредиторлар ва акциядорларга компаниянинг мақсади ва ваколатлари доирасини билиш орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали усулини тақдим қилишдир. Ҳуқуқ лаёқати компанияга нисбатан эмас, компаниянинг ижро органларига нисбатан белгиланади, шунга кўра компаниянинг “Ultra vires” – ваколатлардан ташқарида ҳаракатларни амалга ошириши компания учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши билан бирга компанияга шундай ҳаракатларни амалга оширган ижро этувчи органга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини беради, яъни юқорида таъкидланганидек ҳуқуқ лаёқати ижро этувчи органга нисбатан қўлланилади, компанияга эмас. Бундан хулоса қилиш мумкинки компания чекланмаган ҳуқуқ лаёқатига эга ва учинчи шахсларга нисбатан ўз фаолияти доирасининг чеклангани важини келтиришга ҳақли эмас.

Голландияда компанияларни ташкил этиш масалалари Фуқаролик кодекси [10] билан тартибга солинади ва қонунга кўра компанияни ташкил этишда уни ташкил этишдан кўзланаётган мақсадлар билан бирга фаолият турларини кўрсатиб ўтиш талаб қилинади.

Компания ижро этувчи органларининг ваколатлари нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (устав) ҳамда Фуқаролик кодекси билан белгиланади. Кодекснинг 2:6-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида ижро этувчи органнинг (якка тартибдаги ёки коллегиял) юридик шахс номидан ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи қонунда белгиланганига нисбатан чекланган бўлса, ушбу чеклашлар ҳақидаги маълумот қонунда белгиланган тартибда ва ушбу ҳаракатларни амалга ошириш даврида учинчи шахсларга

маълум қилинмаган тақдирда юридик шахс учун мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Айни шу қоида юридик шахсларнинг вакилларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра бундай маълумотлар юридик шахс рўйхатдан ўтган тижорат реестрида акс эттирилиши лозим, яъни ушбу маълумотлар нашр этилгани контрагентнинг ўз-ўзидан ушбу маълумотлар ҳақида хабардор эканлигини англатмайди. Ушбу модданинг бешинчи қисмига кўра банкротлик ёки тўловлар юзасидан мораторийлар эълон қилинган рўйхатдаги маълумотлар бундан мустасно.

Кодекснинг 2:7-моддасига кўра агарда амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат (мисол учун тузилган шартнома) юридик шахснинг ваколати доирасидан ташқарида, яъни “Ultra vires” бўлса бу ҳаракат шартномадаги иккинчи тараф бу ҳақида хабардор бўлган, ёки хабардор бўлиши лозим бўлган тақдирдагина ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бу турдаги даъволарни фақатгина компаниянинг ўзи қўзғатиши мумкин.

Кодекснинг 2:16-моддаси биринчи қисмига кўра юридик шахс томонидан қабул қилинган қарорнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас деб топилиши ушбу қарорлар асосида компания билан муносабатга кирган учинчи шахслар учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди, учинчи шахсларнинг қарорнинг ҳақиқий эмаслигини билиши ёки билиши лозим бўлгани ҳолатлар бундан мустасно.

“Ultra vires” доктринаси Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг [7] 173- ва 174-моддаларида акс эттирилган бўлиб, кодекснинг 173-моддасига кўра юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида аниқ чегараланган фаолият мақсадларига зид равишда тузилган битим суд томонидан юридик шахс, унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки ушбу чекловлар ўрнатилишидан манфаатдор бўлган бошқа шахснинг даъвоси бўйича шартномадаги бошқа тарафнинг ушбу чекловлар ҳақида билгани ёки билиши лозим бўлгани ҳолати тасдиқлангандагина ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кодекснинг 174-моддаси биринчи қисмига кўра агар шахснинг битим тузиш ваколатлари юридик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси тўғрисидаги низом ёхуд битим билан чекланган бўлса ёки юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритадиган юридик шахс органларининг ваколатлари юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан ёки унинг фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар билан ишончномада, қонунда белгиланганига кўра чекланган бўлса, ёхуд ваколатларнинг чекланганлиги битим тузилаётган пайтда аниқ бўлса ва битим тузишда бундай шахс ёки орган ушбу чекловлар доирасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширса бундай битим чекловлар ўрнатилишидан манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан фақатгина битимдаги иккинчи тарафнинг бундай чекловлар ҳақида билганлиги исботланган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра вакил ёки юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи юридик шахснинг органи томонидан ваколат берувчи ёки юридик шахснинг манфаатларига зид равишда тузилган битим суд томонидан ваколат берувчи, юридик шахс ёхуд қонунда белгиланган ҳолатларда ушбу шахслар манфаатида ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс ёки органнинг даъвоси бўйича, шартномадаги иккинчи тараф тузилаётган битим ваколат берувчи ёки юридик шахснинг манфаатларига зидлигини аниқ билганлиги ёки билиши лозим бўлганлиги тасдиқланган ҳоллардагина, ёхуд вакил ёки юридик шахс органининг шартномага киришаётган иккинчи тараф билан келишуви ёки бундай келишув мавжудлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлгани ёхуд ваколат берувчи ёки юридик шахснинг манфаатларига зиён етказишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари мавжуд бўлгани тасдиқланган тақдирдагина суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига 173.1-модда мавжуд бўлиб, ушбу моддада қонунда назарда тутилган учинчи шахс, юридик шахс органи ёки давлат органи ёки

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг розилигисиз тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги ёритилади.

Ўзбекистонда “Ultra vires” доктринаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [5] 125-126-моддаларида ўз аксини топган.

Жумладан, кодекснинг 125-моддасига кўра юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Кодекснинг 126-моддасига кўра агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Энди ушбу нормаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Кодекснинг 125-моддасида юридик шахс томонидан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишга доир иккита шарт келтирилган бўлиб, мазкур мақола доирасида улардан фақатгина юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган битимлар кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликда юридик шахснинг устав мақсадлари тушунчаси етарлича ёритилмаган. Жумладан, Кодекснинг 40-моддасида юридик шахслар кўзлаган мақсадидан келиб чиқиб икки гуруҳга, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахсга ажратилган.

Кодекснинг 41-моддасида юридик шахс ўзининг таъсис хужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши, юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилган.

Кодекснинг юридик шахснинг таъсис хужжатларига бағишланган 43-моддасида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис хужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши кераклиги акс эттирилган.

Қуйида тижоратчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларида уларнинг мақсадларига бағишланган нормаларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, мамлакатимиздаги энг кўп сонли тадбиркорлик субъектлари айнан масъулияти чекланган жамият шаклида таъсис этилади ва фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги [4] Қонуни 13-моддасида жамият уставида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар акс эттирилган бўлиб, улар орасида жамият фаолиятининг мақсадлари назарда тутилмаган.

Бундан ташқари мазкур қонунда “жамият фаолиятининг предмети” деган ибора ишлатилган, бироқ бу муаллифнинг фикрича, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган нормадир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон Қарорида МЧЖнинг уставида “жамият фаолиятининг предмети” кўрсатиб ўтилиши, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг шарти сифатида кўрсатилмаган, қолаверса жамият қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланишга ҳақли эканлиги қонун билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида жамиятнинг таъсис ҳужжати бўлган Уставда акс этирилиши лозим бўлган маълумотлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар орасида жамият фаолияти соҳасининг (асосий йўналишлари) ва мақсади назарда тутилган, бироқ бунда биринчидан фаолият соҳасининг асосий йўналишларини кўрсатиш талаб этилади, яъни асосий фаолият туридан бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланмаган, иккинчидан кўрсатиб ўтилган фаолият турлари муфассал эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида хўжалик ширкатининг таъсис шартномасида фаолият соҳаси ва мақсадларини кўрсатиб ўтиш шартлиги белгиланган бўлсада, 3-моддасида хўжалик ширкатининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилган [2].

Баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, ЎзР ФКнинг 125-моддасида белгиланган, битимни юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилганлиги асоси билан ҳақиқий эмас деб топиш имкониятининг мавжудлиги давлат томонидан мазкур соҳанинг ортиқча тартибга солинганидан далолат беради.

Қолаверса, мазкур норманинг амалиётда қўлланилиши ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, ЎзР ФКнинг 44-моддасига кўра юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар <https://my.gov.uz/uz/info-by-tin> ҳамда [http://registr.stat.uz/enter\\_form/index.php](http://registr.stat.uz/enter_form/index.php) вебсайтлари орқали юридик шахснинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) орқали олинishi мумкин, бироқ бу манбаларда юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари акс этирилмайди, яъни ушбу

манбаларда асосий фаолият тури кўрсатилгани билан юридик шахснинг барча фаолият турларини аниқлашнинг имкони мавжуд эмас.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга жамиятнинг устави, шу жумладан уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шартлиги белгиланган.

Бундай нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасида ҳам акс эттирилган.

Бироқ контрагентнинг ваколатларини аниқлаш учун ҳар бир битимни тузишдан аввал унинг уставининг тасдиқланган нусхасини, контрагент томонидан ноҳолис ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш мақсадида давлатнинг юридик шахсларни рўйхатга олиш билан шуғулланувчи органидан олиб (барча қўшимча ва ўзгартиришлар билан), битимнинг юридик шахс фаолият турларига ҳамда қонун нормаларига мослигини профессионал юристларни жалб қилган ҳолда аниқлаш лозим бўлади. Сабаби юқорида таъкидланганидек, фаолият турларини кўрсатиш фақатгина қонунда белгиланган ҳолатларда мажбурийдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг [1] 7-моддасида банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [3] 6-моддасига кўра, суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланишлари мумкин эмаслиги белгиланган бўлиб, ушбу қоидадан истиснолар қонуннинг 61-моддасида акс эттирилган.

Қолаверса, ЎзР ФКнинг 47-моддасида ваколатхоналар ва филиалларнинг, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, юридик шахс ҳисобланмаслиги, уларнинг ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланиши ҳамда юридик шахс томонидан тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб бориши, ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланиши ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб бориши белгиланган, бироқ ҳар бир фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришаётган шахснинг ушбу нормалардан огоҳ бўлишини талаб қилиш нақадар ўринли? Балки қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди деган жинойт ҳуқуқига мос қоидадан ушбу ўринда қўллаш ноўриндир? Балки фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришадиган барча шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан кўра, авваламбор ваколати чекланган юридик шахс, унинг филиали ва ваколатхоналари раҳбарлари ва (ёки) вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадга мувофиқдир?

ЎзР ФКнинг 126-моддасида ваколатларни чеклашнинг икки хил тури белгиланган бўлиб, булар:

1. Шахснинг битим тузиш ваколатларини шартнома билан чеклаш;
2. Юридик шахс ваколатларини унинг таъсис ҳужжатлари билан чеклашдир.

Эътиборлиси, ҳар иккала ҳолатда ҳам манфаатдор шахснинг вакили бўлмиш жисмоний шахс ваколатлар чекланганини билади ёки билиши шарт. Сабаби ЎзР ФКнинг 45-моддасига кўра қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак.



Шунингдек, мазкур шахс юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Қолаверса, бунда битимдаги иккинчи тарафнинг мавжуд чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги ҳолатини исботлашдан кўра манфаатдор шахс номидан ҳаракатланган шахснинг мавжуд чекловлардан огоҳ бўлганлигини исботлаш осонроқ ва мантиқлироқдир.

Баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки:

1. юқорида тилга олинган хорижий давлатларнинг барчасида ҳар қандай тижорат компаниясининг таъсис ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқи таъминланган ва кафолатланган (таъсис ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда), Англияда бундай имконият 1720 йилдан бери мавжуд;

2. хорижий давлатларда ҳар қандай компаниянинг таъсис ҳужжатлари билан танишиш имкониятининг мавжудлиги ва таъминланганлиги контрагентнинг ушбу ҳужжат билан танишлигини англатмайди;

3. мамлакатимизда корхона мулкдорлари ва кредиторларининг манфаатлари нафақат компаниянинг ижро этувчи органларидан етказилган зарарларни ундириш имкониятининг мавжудлиги, балки тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш орқали ҳам ҳимоя қилинган;

4. миллий қонунчилигимиз шартномавий муносабатларга киришаётган тарафлардан юқори савиядаги ҳуқуқий саводхонликни талаб қилади.

Баён қилинганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда “Ultra vires” доктринасининг ривожланган хорижий давлатларда XX асрнинг ўрталарида амалда бўлган, битимдаги иккинчи тарафдан кўра корхонанинг мулкдори ҳамда кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар сақланиб қолмоқда ва бу ҳолатга Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқишда барҳам берилиши жоиз.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябр ЎРҚ-580-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/4581969>;
2. Хўжалик ширкатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрь 308-П-сон Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/21826>;
3. Суғурта фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрел 358-П-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/40253>;
4. Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабр 310-П-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/22525>
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. // <https://lex.uz/docs/111189>;
6. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрел ПФ–5464-сон Фармойиши. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 йил, 08/19/5464/2891-сон;
7. Гражданский кодекс Российской федерации // <http://base.garant.ru/10164072>;
8. Code de Commerce de France // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммерческий\\_кодекс\\_Франции#Структура\\_и\\_содержание\\_Коммерческого\\_кодекса\\_2000\\_года](https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммерческий_кодекс_Франции#Структура_и_содержание_Коммерческого_кодекса_2000_года);
9. Codice civile italiano // [http://www.altalex.eu/sites/default/files/00181184\\_estratto/Codice/Civile/Tradotto/inglese.pdf](http://www.altalex.eu/sites/default/files/00181184_estratto/Codice/Civile/Tradotto/inglese.pdf);
10. Dutch Civil Code // <http://www.dutchcivillaw.com/civilcodebook022.htm>;
11. Belgian Code of Companies and Associations (BCCA). // <https://biblio.ugent.be/publication/8659875/file/8659876.pdf>;
12. Corporations Act 2001, No. 50 // <https://www.legislation.gov.au/Details/C2018C00031>;

13. Companies Act 1993.  
[//https://www.legislation.govt.nz/act/public/1993/0105/latest/DLM320117.html](https://www.legislation.govt.nz/act/public/1993/0105/latest/DLM320117.html);
14. Canada Business Corporations Act [//https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/C-44/INDEX.HTML](https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/C-44/INDEX.HTML);
15. The “Doctrine of Ultra Vires” and its subsequent development in the framework of Company law, манба [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=1936728](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=1936728);
16. <https://www.hse.ru/org/projects/75659276>;